Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 108 (6. 299) ◎ 1987 йил 12 май, сешанба ◎ Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

ИККИ ЙИЛЛИК ПЛАН — УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

ЁШЛАРГА ИШОНИБ ТОПШИРИЛДИ

Тошкентдаги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг конструкторлари яратган мослашувчан автомат система йигирма етти станокнинг ишини бажаради ва шунча кишини станокларга хизмат қилишдан халос этади. Бу система Тошкент агрегат заводи ишлаб чиқараётган редукторларнинг корпусларини ишлаш учун мўлжалланган. Ноёб системани ишлаб чиқариш муддатлари икки ҳисса қисқартирилди.

Инженерлик меҳнатини ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усули бу ишни жадаллаштиришга ёрдам берди. Янги усул туфайли корхонада конструкторларнинг иш унуми бир ярим баравар кўпайди, кадрларнинг қўнимсизлиги икки ҳисса қисқарди. Шунга яраша иш ҳақи ҳам ортди. Энди бирлашмада камроқ одам билан топшириқни барвақт бажарганлик учун (бирлашмада шартли равишда 150 киши бўлиши белгиланган) инженерлар ҳар ойда иш ҳақини тежаш фондидан устама олмоқдалар. Устама ҳақи меҳнат иштироки коэффициентига мувофиқ тақсимланади ва 30—100 сўм атрофида бўлади.

— Асосий ишни ёш мутахассислар бажаришди, — дейди станоксозлик махсус конструкторлик бюроси мослашувчан ишлаб чиқариш системалари бўлимининг мудири Л. М. Абрамян. — Ёшларнинг ташаббусига, янгича фикрлашига ва меҳнатни ташкил этишнинг янгича усулига зўр бериш ўзини оқлади. Заводнинг буюртмаси муддатидан аввал ва юқори сифатли қилиб бажарилди. Бугина эмас, айни комсомоллар «инженерлик пудрати» деб аталган истиқболли ишни расмиятчиликдан халос этдилар.

Бирлашмада инженерлар меҳнатини ташкил қилишнинг бригада усули жорий этилгач, айрим кишилар пировард натижа учун унчалик жон куйдирмаётганликлари ошкор бўлиб қолди. Ишни чизмаларнинг сони ва мураккаблигига биноан, баҳолашнинг янги мезонларидан фойдаланиб, лойиҳага зарар етказиб бўлсада, шу кўрсаткичларни сунъий равишда кўпайтиришга интилувчилар ҳам топилиб қолди.

Комсомоллар меҳнат иштироки коэффициентининг тўғри чиқарилишини назорат остига олдилар. Бунинг учун турли бўлинмаларнинг олти нафар ёш конструктори ва ходимидан иборат махсус назорат технология бригадаси тузилди. Бригадага мослашувчан автомат системалар бўлимининг конструктори Сергей Перегудов бошчилик қилди. Асосий ишдан бўш вақтларда бу коллектив чизмалардаги ёки технологиядаги бракни аниқлаб берадиган бўлди. Бригада сифатсиз ишни қайд этиш билангина чекланмасдан, ўз таклифини ҳам киритади, лойиҳани такомиллаштиради, унинг жорий этилишини кузатиб туради. Чунончи, ёш ташаббускорлар деталларнинг мураккаб сиртига сайқал берадиган станокни йиғишдан технологияга хилоф равишда ишлаб чиқилган брак деталларнинг эллик процентгачаси фойдаланилаётганини аниқладилар. Комсомоллар ишлаб чиқариш жараёнининг бошидан охиригача кузатиб бориб, брак бераётган бир неча бўғинни топдилар. Бригаданинг фикри мазкур бракчиларнинг меҳнат иштироки коэффициентини аниқлашда ҳисобга олинади.

— Айрим кимсалар номуносиб иш ҳақи, «гарантияланган» мукофотлар олишга одатланиб қолганликлари сир эмас. Ишда бундай ножўя муносабатга барҳам бериш унчалик осон бўлмади, — дейди С. Перегудов. — Шу сабабли бизларнинг, комсомолларнинг олдида ишлаб чиқаришнинг ўзинигина эмас, одамларнинг меҳнатга муносабатини, психологиясини ҳам ўзгартиришдек катта вазифа турибди. Бирдан-бир тўғри йўл мана шу, ВЛКСМ XX съездида ҳам шу ҳақда гапирилди.

Назорат-технология бригадасининг иши ёшларнинг нималарга қодир эканини кўрсатди, корхонада комсомол коллективининг обрў-эътибори ошди. Ҳозир «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг станоксозлик махсус конструкторлик бюросида ёшларнинг муваққат ижодий коллективи тузилмоқда. Коллектив аъзоларига «Узбексельмаш» учун ва Уралдаги қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқарувчи заводлардан бири учун принципиал янги мослашувчан автомат системалар ишлаб чиқиш ишониб топширилди.

А. ИВАНОВА,
ЎзТАГ мухбири.

ВЕТЕРАН ИБРАТИ

«Средазкабель» бирлашмасининг ишчиси Г. Речкина 25 йиллик меҳнат фаолиятини нишонлади. «Ҳурмат белгиси» ордени соҳиби Речкина бу санани шахсий мажбуриятини бажариш билан қаршиладн: у Улуғ Ғалабанинг 42 йиллиги арафасида беш йилликнинг бир ярим йили планини бажариб бўлди.

Галина Петровна машина-ускуналарни жуда яхши билади, мураккаб операцияларда иш вақтини тежайди.

Г. Речкина корхонада тажрибали мураббия ҳисобланади. У завод илғор тажрибалар мактабида ёш ишчиларга ўз билими ва маҳорати сирларини ўргатмоқда.

(ЎзТАГ).

ЗАМОНДОШИМИЗ



Қалб гўзаллиги — кашталарда

Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикаси попопчилик цехининг каштачиси Марҳамат Пўлатова Тошкент область маҳаллий саноат ходимлари мукофотининг лауреати бўлди. Дунёда эл-юрт ишончи, олқиши ва иззат-ҳурматидан ҳам буюкроқ нарса бўлмаса керак. Бошқаларни билмайди-ю, аммо Марҳаматининг ўзи лауреат бўлганлигини эшитган куни жуда ҳаяжонланди.

Бекитиёр шу корхонада ўн саккиз йилдан буён астойдил меҳнат қилганлари, унинг моҳир қўлларидан чиқаётган ранг-баранг маҳсулотлар тобора харидгир бўлиб бораётгани, янги турдаги кўплаб буюмлар ишлаб чиқаришга муваффақиятли жорий этилаётганн, қолаверса қадрдон, дилкаш дугоналари сафи йил сайин кўпайиб бораётгани кўз ўнгидан ўтди.

Ҳар бир янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга жорий этиш айтишгагина осон, албатта. Корхонада ҳар йили ўнлаб янги турдаги маҳсулотлар жорий этилади. Демак, каштачи олдида ўнлаб янги муаммолар пайдо бўлади. Турган гапки, у каштачидан катта билим, ўткир зеҳн, қунт ва чидам билан меҳнат қилишни талаб этади. Каштачининг ишини заргарнинг ишига тенглаштириш мумкин. Ҳар бир қатим ипакда яратилган ўзига хос тасвир кимнинг кўзини қувонтирмаган, кўнглига севинч солмаган дейсиз! Мана яқинда «Дастурхон» деб аталган янги маҳсулот хонадонларимиздан жой олди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллигига муносиб совға тайёрлаш каштачининг эзгу режасидир. Йилнинг дастлабки ойлари муваффақиятли якунланмоқда. Марҳамат вақтдан ўзиб ишлаяпти. Ҳамиша мўлжалдагидан кўпроқ буюм тайёрлашга эришмоқда. Бунга у ишлаётган корхонага келган ҳар бир янги ишончи ҳосила қилиши мумкин.

Одатда мукофот келгуси муваффақиятларга, янги зафарларга ундайди. Марҳамат ҳам ана шунга интилади.

СУРАТДА: Марҳамат Пўлатова.

М. Нуриддинов фотоси.

Бизнинг интервью

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида суҳбат

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев республикада меҳмон бўлиб турган Афғонистон Демократик Республикаси шимолий вилоятларининг делегациясини 11 май куни қабул қилди. Делегацияга Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг «Шимол» зонасидаги вакили Муҳаммад Шариф бошчилик қилмоқда.

Бўлиб ўтган суҳбатда меҳмонлар Совет ҳокимияти йиллари мобайнида Ўзбекистон экономикаси ва маданиятининг тараққиёти билан, социалистик хўжалик юритиш усули, Советлар мамлакати барча халқларининг қардошларча ёрдами ана шундай тараққиётга эришишда ғоят катта роль ўйнаганлиги билан, шу беш йилликда республика олдида турган вазифалар билан таништирилди. Суҳбатда Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатда давом этаётган қайта қуришда фаол қатнашаётганликларига катта эътибор берилди. СССР билан Афғонистон халқлари ўртасидаги кўп йиллик дўстлик барча синовларга бардош берганлиги ва бундан буён ҳам муттасил ривожланиб бориши суҳбат чоғида таъкидланди. Улуғ Ленин ана шу дўстликнинг сарчашмаларида турган эди. Ўзбекистоннинг Афғонистонга берилаётган ҳар томонлама ёрдамга, қўшни дўст давлат билан иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси қайд этиб ўтилди.

Муҳаммад Шариф Афғонистоннинг озодлик ва мустақиллик йўлидаги курашида уни бегараз қўллаб-қувватлаётганликлари учун ўз халқи номидан совет кишиларига сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари В. П. Анишчев, В. А. Антонов, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, Р. Н. Нишонов, М. Ҳ. Холмуҳамедов иштирок этдилар.

Суҳбатда АДРнинг Тошкентдаги бош консули вазифасини бажарувчи Ҳумоюн Асқарёр қатнашди.

* * *

Шу куни Афғонистон шимолий вилоятлари делегациясининг аъзолари Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасида бўлдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

(ЎзТАГ).





Тошкент билан танишув.

Н. Шарипов фотолари.

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ТАРАФДОРИМИЗ

Афғонистон Демократик Республикасидаги Саманган вилоятининг делегацияси Тошкент шаҳри ва пойтахт области билан мана бир неча кундан буён танишмоқда. Делегация аъзолари орасида Саманган вилояти комитетининг секретари, Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг аъзоси Абдулфаёз Меҳройин, халқ вакиллари кенгаши ижроия комитетининг раиси Муҳаммад Шариф, вилоят уламолари кенгашининг раиси мавлоно Муҳаммад Акбар, ишчи Исломиддин, деҳқон, миллий яраш комиссиясининг аъзоси Мирза Ғуломали бор.



Абдулфаёз МЕҲРОЙИН,

Саманган вилоятн вакиллари делегациясининг бошлиғи.

— Бу йил бизнинг дўстлик алоқаларимизга 70 йил тўлади. Демак, бундан 70 йил муқаддам Россияда амалга ошган жаҳонда биринчи пролетар революцияси ғалабаларини эшитиб қувонганмиз. Ўшанда биз озод мамлакатни ва унинг йўлбошчиси Ленинни таниганмиз. Афғонистонда юз берган Апрель революцияси бу дўстлик алоқаларимизни янада кенг кўламда давом эттириш ва мустаҳкамлаш имконини берди. Сизнинг улуғ байрамингиз — Ғалаба куни арафасида биз Совет Ўзбекистонининг ҳаёти билан танишиш шарафига муяссар бўлдик. Ўзбек халқи Совет ҳокимияти йилларида ҳамма соҳада мислсиз ютуқларга эришганлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Сизнинг ютуқларингиз бизни албатта қувонтиради. Сизлар Ленин кўрсатиб берган ҳаққоний тараққиёт йўлидан боряпсиз. Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозингизга борганимизда биз бу фикрларнинг рамзий маъносдаги тасдиғини кўрдик.

Биз афғонлар ҳам Ленин йўлини, озодлик ва мустақиллик йўлини танладик ва ана шунинг учун курашмоқдамиз.

— Сиз бошчилик қилаётган делегация аъзолари сафар чоғида яна қайси жойларда бўлишди?

— Биз В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройи, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари ва унинг метросини бориб кўрдик. Чорвоқ сув омбори бизда катта таассурот қолдирди. Бу жойда тўпланган сув муносиб бойликдир. Биз бундай иншоотлар ҳақида, Ўзбекистонда яратилган гидротехника иншоотлари ҳақида, суғориладиган ҳосилдор ерлар ҳақида орзу қиляпмиз. Менинг республикам ва халқим янги ҳаёт қуриш учун шаҳдам интилмоқда.

Ҳозирги замонда саводли киши бўлиш бу катта бахтдир. Сизда ҳамма саводхон экан. Биз мактабларда ва болалар боғчаларида, корхоналарда ва хонадонларда бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Бизнинг мамлакатимизда эса бунинг акси. Аҳолининг 95 проценти саводсиздир. Ана шунинг учун ҳам биз саводсизликни тугатишга қаттиқ бел боғлаганмиз. Бу апрель революцияси амалга ошираётган муҳим вазифалардан бири. Тошкент отчопарида сизнинг Ғалаба байрамингизга атаб ўтказилган томоша бизларга жуда ҳам ёқди. У ғоятда қизиқарли, энг муҳими оммавий ўтказилди. Биз ҳам ана шундай шодиёнали маросимларни ўтказишни ўзимизга ният қилиб қўйдик.

Бутун делегациямиз аъзолари, афғон халқи номидан самимий ва дўстона кутиб олганликлари учун чин қалбимдан ташаккур билдираман. Сизнинг илтифотингиз қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Абдулфаёз Меҳройин делегация аъзолари номидан «Тошкент оқшоми» газетхонлари учун ёзиб берган дастхатида қуйидаги сўзлар битилган: «Саманган вилоятининг меҳнаткаш халқи номидан қардош ўзбек халқига алангали салом йўллайман.»



Муҳаммад АКБАР,

Саманган вилояти Мавлоно уламолар кенгашининг раиси.

— Мен Ўзбекистонга сафар қилишга тараддуд кўраётганимда чинакам тараққий этган ўлка билан учрашаман, деб ўйламаган эдим. Ўзбекистон ўзининг ютуқлари билан мени ғоятда мафтун этди. Унинг эришган зафарлари ҳар бир қадамда кўриниб турибди. Халқ хўжалигида ва маданиятда, одамларнинг бир-бирига муносабатида ҳамжиҳатлик бор. Биз бир-биримиз билан қўшнилармиз. Табиатимиз ҳам, урф-одатларимиз ҳам, музикамиз ҳам, энг муҳими келажакка интилишларимиз ҳам бир-бирига ўхшаш. Икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларимиз бундан буён ривожланмоғи керак. Афғонистонда Совет Иттифоқидан, шу жумладан, Ўзбекистондан борган санъаткорларни ҳурматли меҳмонлардек кутиб олишган. Улар Кобулда ва бошқа вилоятларда концертлар беришган. Яқинда афғонлар «Ялла» ансамблининг қўшиқ ва музикаларини тинглаб, мамнун бўлишди. Биз ана шу йўл билан дўстлик кўприкларини янада мустаҳкам қурмоғимиз керак. Бу кўприклар икки мамлакат ўртасида абадий хизмат қилиши лозим. Тошкент гўзал шаҳар экан. У ўзининг турли миллатли ажойиб кишилари билан фахрланса арзийди.

Афғонистонда ягона бўлган профессионал драма театри бундан уч йил муқаддам Тошкентда ўз санъатини кўрсатганлигини ҳам айтиб ўтиш керак.



Мирза ҒУЛОМАЛИ,

миллий яраш бўйича комиссия аъзоси.

— Сизнинг меҳмондўстлигингиз бизларни ғоят мамнун этди. Биз ҳар қадамда учратган кишиларнинг берган «Ассалому алайкум» сўзларида ва чеҳраларида афғон халқига нисбатан бўлган илтифот яққол сезилиб турибди. Империализм кучларининг ғаразгўйлиги ва ғаламислигига қарамай, Афғонистон халқи социал-иқтисодий ўзгаришлар бунёд этиш йўлидан олға бормоқда. Демократик асослардаги ер-сув ислоҳоти ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этилмоқда, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланмоқда. Ташқаридан бўлаётган ҳар қандай тўсқинликларга қарамай, ўн минглаб қочоқлар ватанларига қайтиб келмоқдалар. Миллий яраш сиёсати эълон қилинган кундан буён минглаб ва ўн минглаб кишилар халқ ҳокимияти томонига ўтмоқдалар.

Ўзбекистондаги қардош халқларнинг муваффақиятлари билан танишиш биз учун мароқли бўлди. Бизнинг бир-бирига ўхшаш миллий урф-одатларимиз, меҳмондўстлигимиз ва дўстлигимиз самараларини кўриш фикрларимизни янада бойитди. Биз бу муносабатларни янада мустаҳкамлашимиз лозим. Совет халқи Афғонистонга бегараз ёрдам кўрсатмоқда. Биз яқин келгусида янги ҳаёт қурилишида муносиб муваффақиятларга эришиш ниятидамиз.

سلام. (عبد الفیاض مهر آیین)

Халқ контроли

№ 4 (245)

Шаҳар халқ контроли комитетида

Текинхўрларга қарши ўт очайлик

Тошкент шаҳар халқ контроли комитетининг навбатдаги мажлисида Тошкент сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш бўйича текшириш натижалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори кўпчиликнинг дилидаги айни муддао бўлди. Бутун мамлакатимизда бўлгани каби республикамизда ҳам турмушда учрайдиган айрим салбий ҳолатларга — меҳнатсиз даромад ҳисобига кун кечиришга интилаётган текинхўрларга қарши кураш кучайтирилди. Текинхўрликка қарши кураш қизғин давом этаётган паллада, меҳнатсиз даромадга ружу қўйган кимсалар ҳануз умумжамият мулкига кўз олайтирмоқдалар. Ўтган 1986 йил ва 1987 йилнинг дастлабки ойлари мобайнида Тошкент сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмасида 67 киши майда ўғирлик устида қўлга тушди. Улардан 644 сўмлик сут маҳсулотлари тортиб олинди. Меҳнатсиз даромадларга тузоқ қўйганлар орасида 7 нафар раҳбар инженер-техник ходимлар ҳам бор. Улар — катта мастерлар — Раҳмонова, Раҳимов, мастерлар — Данилова, Эрматов, Нелюбова, таъминот бўлими инженери Темирбулатова, иқтисодчи Фишкиналардир.

Майда ўғирлик содир этган кишилар ҳамиша ҳам амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилмаяпти. Оқибатда ўғирликлар сони камаймаяпти ва иккинчи марта такрорланиш ҳоллари рўй бермоқда. Масалан, 1-ишлаб чиқариш участкасида ташмаловчилар Нурмуҳамедов, Эрматов, Демина, Маҳкамов, Шарафиева, Соколлар меҳнат коллективлари ўртасида муҳокама этилмадилар, мукофотлардан маҳрум қилинмадилар. Ҳуқуқбузарлик ва ўғирлик устида тутилган Минаварҳўжаева, Гайсина, Фишкина, Сокол, Семеновалар ўз отпускаларини ёз мавсумида ўтказишди.

Бирлашмада амалдаги низомга биноан меҳнатга ишбай ҳақ ва мукофот бригада Совети томонидан ходимлар ўртасида тақсимланиши керак. Бироқ 2-ишлаб чиқариш участкасида бригадалар Советлари тузилмаган. Хом ашё ва сут маҳсулотлари сарфланиш миқдорига кўра ҳисобга олинмасдан, балки ҳар бир маҳсулот тури учун белгиланган миқдор бўйича ишлаб чиқарилади. Бунинг натижасида ортиқча хом ашё ва маҳсулот пайдо бўлади. Айрим ҳолларда камомадни вужудга келтиради. 1986 йили ўтказилган инвентаризация текшириши чоғида, моддий жавобгар 32 нафар шахсда 2391 сўм миқдорда камомад аниқланди. Шундан 900 сўми айбдор шахслар томонидан тўланмади.

Бирлашма маъмурияти ички ишлар бўлимларининг объектларни техник жиҳатдан мустаҳкамлаш борасидаги таклифларини тўла-тўкис бажармаяпти. 1-ишлаб чиқариш участкасида тўсиқлар тузатилмаган, тунги ёритгичлар етарли эмас. Ишчиларга турли хилдаги рухсатномалар берилган бўлиб, уларнинг ярмини муддати тугаган ёки алмаштиришни тақозо этади. 2-ишлаб чиқариш участкасида бошланган ғишт тўсиқлар иши охирига етказилмаган, механизациялаштирилган дарвоза эса зич ёпилмайди.

Сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Н. А. Муҳитдиновга меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш бўйича ишни етарли даражада ташкил этмаганликлари ва халқ мулкини ташмаловчиларга нисбатан қонунни тўла қўлламаётганликлари кўрсатиб ўтилди.

Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш бўйича ишни яхши йўлга қўймаганлиги, социалистик мулкни сақлаш ва объектлар мустаҳкамлигини кучайтириш тўғрисида зарур чора кўрмаганлиги учун сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари Д. Т. Толанбоевга виговор берилди.

Шаҳар халқ контроли комитети Тошкент сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ контроли группасига меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш бўйича партия ва ҳукуматимиз талабини бажариш, халқ мулкини ўмарувчиларга нисбатан қонундан тўла фойдаланиш борасида қилинаётган ишлар устидан назорат оширишни зарурлиги уқдириб ўтилди.

З. САМИГУЛЛИН,

Тошкент шаҳар халқ контроли комитети инспектори.



Тошкент фурнитура-пластмасса заводи халқ контроли группаси тез-тез рейд ва текширишлар ўтказиб турмоқда.

СУРАТДА: халқ контроли группаси раиси, меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғининг ўринбосари Нелла Ткаченко ва халқ контроли группаси аъзоси Шомил Ҳабибулин навбатдаги рейдлардан бирида.

Э. Зоҳидов фотоси.

Қайта қуриш йўлидан

Бугунги кун партия ва давлат қарорларининг бажарилишини, меҳнат ва истеъмол, совет қонунчилигига риоя қилиш устидан доимий назорат ўрнатишда халқ контролидан сафарбарликни янада оширишни талаб этмоқда. Ҳамза район халқ назоратчилари бу борада муайян иш олиб бормоқдалар. Назоратчилар ишлаб чиқаришда техникавий қайта қуролланиш ва икки-уч сменали иш режимига ўтишни, маҳсулот сифатини оширишга катта эътибор бермоқдалар. Бироқ комитет, группалар ва постлар фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, айрим группа ва постларнинг иқтисодий ва социал соҳадаги ишлари бугунги кун талаби даражасида эмас. Ҳали партия ва давлат кўрсатмаларининг бажарилишини текширишда назоратчилар ўз имкониятларидан тўлақонли фойдаланмаяптилар. Назорат самараси эса замон талабидан орқада қолмоқда.

Биз бугун янгича шароитда хўжалик юритиш назорати эскича қолипда қолмаслигини, уни вужудга келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириб бориш зарурлигини англамоғимиз лозим. Бунда партия иқтисодий сиёсатининг амалий мужассам этган давлат план ва топшириқларининг бажарилишини доимо назарда тутиш, биз учун муҳим вазифа бўлиб қолади. Фаоллик ва ташаббускорликни ҳар томонлама ошириш халқ назоратчиларининг қайта қуришдаги асосий вазифаларидан биридир.

Районимизда 8 мингдан зиёд халқ назоратчилари фаолият кўрсатишмоқда. Бундан бирорта ҳам камчилик ёки нуқсон уларнинг эътиборидан қолмайдигандек туюлади. Бироқ биз ҳали кутилган натижаларга эришганимиз йўқ.

КПСС XXVII съезди, СССР Олий Советининг «СССР халқ контроли фаолияти ҳақида»ги қарорларидан халқ назоратчилари учун келиб чиқадиган улкан ва масъулиятли вазифалар халқ назоратчилари ташкилотларидан ўз ишини тубдан қайта қуришни, жамият иши учун масъулиятни тўла ҳис қилиш, услуб ва методларнинг изчиллигини такомиллаштириш, эришилган ютуқларга танқидий нуқтаи назардан баҳо беришни талаб этмоқда. Бинобарин қайта қуриш ишининг янада жадаллашиши ва ҳаётимиздан чуқур ўрин олиши ҳам шуни тақозо қилади.

В. МАХЛИН,

Ҳамза район халқ контроли комитети раиси вазифасини бажарувчи.

Районлардан хабарлар

Эътиборсизлик қачонгача?

Гражданларнинг ариза ва шикоятларини, таклифларини тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқиш, меҳнаткашларни шахсан қабул қилиш ва уни ташкил этиш корхона ва муассасалар, уларнинг раҳбарлари фаолиятида муҳим ўрин тутади. Чилонзор район халқ контроли комитети 13-қурилиш-монтаж ремонти бошқармасида СССР Олий Совети Президиумининг «Гражданларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш ҳақида»ги қарорининг бажарилишини текшириб чиқди.

Халқ назоратчилари 13-қурилиш-монтаж бошқармасида (бошлиғи А. С. Сейтумеров) меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари бўйича ишлаш яхши йўлга қўйилмаганлигини аниқлади. Меҳнаткашларнинг хатларини рўйхатга олувчи журналнинг 1986 йил февраль ойида атиги икки шикоят қайд этилган, холос. Журналда ариза рўйхатга олинган иккинчи ижро этишга юборилган сана ва жавобгар шахсларнинг фамилиялари кўрсатилмаган. Шунингдек, 1986 йили олтита ариза рўйхатга олинган иккинчи журнал топилди. Ариза ва шикоятларни рўйхатга олишга масъул бўлган Е. Вавилина 1986 йили бу вазифани деярли бажармаган. Уни юритиш учун янги масъул шахс эса тайинланмаган. 1987 йилдан эса гражданларнинг ариза ва шикоятлари мутлақо рўйхатга олинмаяпти. Телефон орқали қабул қилинган ариза ва шикоятлар қайд этилмайди. Гражданларни қабул қилиш бўйича журнал мавжуд эмас.

Меҳнаткашларнинг хат ва шикоятлари ҳамда мурожаатларига бюрократларча муносабатда бўлиш ҳоллари ҳамон барҳам топмаган. Масалан, В. Свинцованинг аризасига шундай муносабатда бўлинган. 13-қурилиш-монтаж ремонти бошқармаси сантехника ишларини тугатишни ўтган йили май ойига режалаштирган эди. Кейин эса унинг муддати бир неча марта ўзгартирилди. Пировардида бошқарманинг айби билан бу иш барбод бўлди.

Гражданларнинг хатлари билан ишлашни такомиллаштириш ва уларни қабул қилишни яхшилаш бўйича партия ва давлат қарорини қониқарсиз бажарганлиги учун 13-қурилиш-монтаж ремонти бошқармаси бошлиғи А. С. Сейтумеровга виговор эълон қилинди.

Планни бажариш — бурч

Ленин район халқ контроли комитети «Главташкентстрой»нинг 8-қурилиш тресті 4-қурилиш-монтаж бошқармасининг давлат планлари ва топшириқларини бажариш бўйича хўжалик раҳбарларининг масъулиятини ошириш, план интизомни мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятини ўрганиб чиқди. Халқ назоратчилари томонидан ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, 4-қурилиш-монтаж бошқармаси 1986 йили бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишларини 83,3 процент ҳажмда адо этган. 1987 йилнинг дастлабки икки ойи плани эса атиги 74,7 процентга уддаланган. 1986 йили мўлжалланган 14 объектдан 7 тасида қурилиш-монтаж ишлари бажарилмаган. Фойдаланишга топширилиши лозим бўлган 7 та объектдан фақат 3 тасида ишлар ниҳоясига етказилди.

Бошқармада хўжалик ҳисобида ишлайдиган 7 та комплекс бригада мавжуд бўлиб, улар ҳам белгиланган ишларни уддалай олишмаган. Бажариладиган ишларнинг таннархини арзонлаштириш бўйича ҳам бошқарма 1986 йили ўз зиммасига олган топшириқнинг уддасидан чиқмади ва аксинча 622 минг сўм қимматлаштириб юборган. Текширув пайтида М—29 техник ҳисоботи бажарилган ишлар қайд этилувчи КС—6 журналга солиштирилганда «Ғўза ҳашаротларига қарши курашувчи тажриба биолабораторияси» объекти бўйича 1379 сўм ортиқча ёзилганлиги аниқланди. Ҳисоботлар ва бажарилган ишлар ўртасида катта фарқ мавжуд.

Ўтган йил якунига кўра бошқарма 406 минг сўм зарар кўрди. Иш вақтидан ҳам қониқарсиз фойдаланилмоқда. 1986 йил прогулчилар сони 1985 йилга нисбатан икки баравар кўпайган.

Қайд этилган бу камчиликлар бошқарма маъмурияти, шунингдек уни бўлим ва хизмат тармоқларининг ишни етарли даражада ташкил этмаганлиги оқибатидир.

Бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишларининг бажарилишини таъмин этмагани, адо этилган ишларнинг қимматлашувига ва зарарга йўл қўйгани учун «Главташкентстрой»нинг 8-қурилиш тресті 4-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи Р. В. Суворовга виговор эълон қилинди.

4-қурилиш-монтаж бошқармаси бош инженери Саидазизов ва бош бухгалтер Лубиницкаяларнинг ўз вазифаларидан четлаштирилганлиги эътиборга олинди.

Группа ва постларда

Халқ назоратчилари муваффақияти

Ҳозирги туб бурилишлар даврида халқ назоратчиларининг масъулияти янада ошди. Улар ўз корхоналарида биринчи бўлиб ишлаб чиқариш резервларини, меҳнат интизомини, хом ашёнинг тежалишини аниқламоқдалар. Бир сўз билан айтганда, маҳсулотнинг корхонадаги биринчи назоратчиларидир.

Биз яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти босмахонасида бўлиб, халқ назоратчиларининг фаолияти билан танишдик. Қилинган ишларда, қўлга киритилган муваффақиятларда халқ назоратчиларининг ҳам ҳиссаси борлиги кўриниб турибди. Халқ назоратчилари босмахонадаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи цехларда мунтазам бўлиб турадилар. Босмахонада халқ назоратчиларининг бош группаси ва ҳар бир цехда кўрик-комиссияси фаолият кўрсатмоқда.

Халқ назоратчилари бош группаси рейдларига бошчилик қилиш учун умумбосмахона кўрик-комиссияси тузилган.

Халқ назоратчиларининг рейд натижалари планёркаларда, ишлаб чиқариш мажлисларида муҳокама қилинади. «Ишлаб чиқариш кўриги» ойнасига рейд натижаларининг ҳисоботи ёзиб қўйилади.

Босмахона халқ назоратчилари бош группаси ўтган йили ўн иккита цехда бўлиб, рейд ўтказдилар. Рейдлар давомида цех коллективлари фойдаланмаган резервлар аниқланди. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва хом ашё ресурсларини тежаш борасида ҳам яхши натижаларга эришдилар.

Халқ назоратчиларининг таклифларидан кейин 1986 йилнинг 9 ойи мобайнида босмахона қоғозни 1,6 процент, шу жумладан чуқур босма цехида қоғозни тежаш икки марта, газета чоп қилиш цехида 30 процент ошди. Бланка босадиган цех эса биринчи марта 14 тонна қоғозни иқтисод қилди. Ўтказилган рейдлар пайтида 591 минг сўмлик қийматга фойдаланилмаётган ва эскирган станоклар борлиги аниқланди. Шундан 372 минг сўмлик қийматни ташкил этган дастгоҳлар фойдаланишга тавсия этилди.

Корхонада меҳнат интизоми яхшиланди, прогулчилар сони 20 процентга камайди, кадрлар қўнимсизлиги 4,6 процентга қисқарди. Йил давомида рейд натижалари ва камчиликлар қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги маълумотлар махсус варақаларда ёритиб борилди.

Босмахона маъмурияти, партия ташкилоти ва касаба союз комитети цехлар орасида газета чоп қилиш коллективини халқ назоратчиларининг таклифларига қатъий амал қилаётган цех деб топди. Цех кўрик-комиссияси раиси М. Асланов ва комиссия аъзолари Ф. Игнатьев, С. Волошин, А. Пожогинлар пул мукофотлари билан мукофотландилар. Иккинчи рағбатлантирувчи мукофот газета ҳарф териш цехига берилди. Н. Караманов, Л. Буравлева, В. Костюклар цехнинг энг яхши назоратчилари деб топилди. Ҳар икки цехнинг назоратчилар ишида фаол қатнашган 10 нафар вакилининг йиллик мукофоти 20 процентга оширилди ва 2 кишига санаторийга бепул путёвка берилди.

Шунингдек чуқур босма, муқовалаш, журнал учун ҳарф териш, экспериментал цехларининг ҳам халқ назоратчилари бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатилди. С. Леонтьев, Н. Долгова, К. Кулакова, Ю. Якубов, Г. Иванова, Б. Войтнев, Ю. Задорожнийлар босмахонанинг актив назоратчиларидир.

Текширишлар шуни кўрсатадики, босмахонада ҳали камчиликлар, фойдаланилмаган резервлар мавжудлиги аниқланди. Нуқсонларни бартараф этиш, резервларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун ҳар бир цехда қилинадиган ишлар плани тузилди. Бироқ тайёр маҳсулотларнинг кўп сақланиб қолиши, техника хавфсизлигининг яхши эмаслиги, техникага яхши муносабатда бўлмаслик ҳоллари ҳамон барҳам топгани йўқ. Бундай камчиликларни халқ назоратчилари ўзларининг кейинги рейдларида аниқлашлари ва уларга қатъий чек қўйиш тадбирларини белгилашлари керак.

Ҳ. КАРИМОВ.

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ. Исроиллик босқинчилар Жанубий Ливандаги бир қанча аҳоли пунктларини яна тўпга тутдилар. Жазо отрядлари Ваззани, Мажидия ва Аркуб районларида изғиб, қишлоқлар ва экинзорларни бир неча бор тўпга тутдилар.

Ливан ватанпарварлари қаршилик фронтининг жангчилари мамлакатнинг босиб олинган жанубидаги «хавфсизлик зонаси» деб аталмиш зонада исроиллик босқинчиларнинг позицияларига ҳужум қилдилар. Партизанлар Кфар-Хуна қишлоғи яқинида босқинчиларнинг танки ва бронетранспортерини яксон қилдилар. Жанг чоғида бир неча исроиллик ўлдирилди ва ярадор қилинди. Сарбин районида қўғирчоқ «Жанубий Ливан армияси»нинг соқчилари ҳужумга дучор бўлди. Сарбина аҳоли пункти яқинида душманнинг бронетранспортери ватанпарварлар қўйган минани босиб портлаб кетди.

Шу кунларда Ливан пойтахтида вазият осойишта бўлиб турибди. Шаҳарнинг мусулмонлар яшайдиган сектори билан христианлар яшайдиган секторини боғлайдиган йўл очилди. Яна битта йўл тозаланмоқда.

ТЯНЬЦЗИНЬ ЭЛЕКТРОМОБИЛИ

ПЕКИН. Хитойнинг энг йирик шаҳарларидан бири Тяньцзинь кўчаларида яқинда оригинал конструкциядаги мўъжазгина автомобиль пайдо бўлди. Гарчи бу транспорт воситаси унчалик катта бўлмасада, бир қатор афзалликларга эга. Бу машина — электромобилдир, демак, у атроф-муҳитни булғамайди, шовқинсиз юради ва тежамкордир (15 километрга бир киловатт-соат электр энергия сарфлайди). Мазкур машинанинг максимал тезлиги соатига қарийб 20 километрга боради. Аккумуляторларини уй шароитида электр тармоғидан зарядлаб олиш мумкин. Унинг заряди 150 километрга етади. Синалаётган электромобиль икки киши ва бир болага мўлжалланган бўлиб, ўртача юкхонаси бор.

Машинани Тяньцзиндаги ишлаб чиқариш компанияларидан бирининг мутахассислари яратишган. Улар электромобиль Тяньцзинь аҳолиси ўртасида кенг қўлланилади, деб ҳисобламоқдалар. Бутун Хитойда бўлганидек бу шаҳарда ҳам аҳоли асосан велосипеддан фойдаланади.

АДРда МИЛЛИЙ ЯРАШНИНГ БОРИШИ

ҚОБУЛ. Яна 38 афғон оиласи Покистондан Нангархор вилоятига қайтиб келди. Маҳаллий маъмурлар уларга уй-жой бердилар, ишга жойлашишда кўмаклашдилар. Бадахшон вилоятида ўз юртига қайтиб келган 14 мингдан кўпроқ қочоқ давлатдан ёрдам олди.

Шу вилоятда ўтган икки ой мобайнида ҳукуматга қарши қуролли бўлинмаларнинг 30 аъзоси қурол-яроғини ташлади. Уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида уч гуруҳ билан музокаралар олиб борилмоқда. Қуролланган бир неча бошқа отряд мактуб йўллаб, унда босмачи тўдаларнинг аъзолари қурол-яроғларини ташлашга шай эканликларини билдирмоқдалар.

Афғон чегарачилари миллий яраш сиёсатининг инсонпарварлик мақсадларини тушунтириш, уй-жойлар қуриш, йўлларни ремонт қилиш, қишлоқ хўжалик далаларини миналардан тозалашда аҳолига ва ўз юртларига қайтиб келган ватандошларига ёрдам бериш учун 200 та қишлоққа тинчлик карвонларини жўнатдилар.

Босқинчилар ҳаддан ошмоқдалар

ҚОҲИРА. Бу ердан олинган хабарларга кўра, кеча исроиллик босқинчилар Иордан дарёсининг ғарбий соҳили билан Ғазо секторида оммавий тинтувлар ўтказиб, кишиларни қамоққа олганлар. Аль-Халилнинг ўзидагина 40 нафардан кўп фаластинлик қамоққа олинган.

Кеча комендантлик соати жорий этилган Калкильяда вазият ниҳоятда кескин бўлиб турибди. Кўпдан-кўп армия соқчилари шаҳар кўчаларида, шунингдек фаластинликларнинг унга ёндош лагерларида изғимоқда. Араблар тинтув этилмоқда ва ҳақорат қилинмоқда, ўнлаб киши қамоққа олинди. Наблусда ҳам комендант соати эълон қилинди.

Объективда—Куба



«Мен Кубада яшайман, чунки Кубани севаман...» Бу сўзларни машҳур Америка ёзувчиси Эрнест Хемингуэй айтган. У бу оролда ҳаётининг кўп йилларини ўтказди.

Гаванадан унча узоқ бўлмаган жойда ёзувчининг уй-музейи ташкил этилган. Бу ерда унинг буюмлари сақланган.

СУРАТДА: Эрнест Хемингуэйнинг уй-музейи. Ёзувчининг иш столи.

А. Рухадзе фотоси. (ТАСС).

АҚШда СПИДНИНГ ТАРҚАЛИШИ

ВАШИНГТОН. АҚШда спид (организмда қаршилик кўрсатиш қобилиятининг мутлақо йўқолиб кетиши) эпидемиясининг тарқалиши давом этмоқда. 1981 йил июнидан буён АҚШда 35 минг 219 киши шу касалликка чалингани қайд этилган. Касалликларни назорат қилувчи миллий марказнинг хабар қилишича, шулардан 58 проценти ўлган. Спид касалига чалинганларнинг учдан икки қисми эркаклар, 17 проценти гиёҳвандлардир.

Касалликни «Миллат сиҳат саломатлигининг биринчи душмани» деб эълон қилган президент Р. Рейган яқинда спидга қарши кураш бўйича тавсиялар ишлаб чиқадиган миллий комиссия тузилганлигини айтди. Шу йилнинг ўзидагина ана шу мақсадлар учун федерал бюджетдан 766 миллион доллар ажратилган.

Яхшиям йўқ экансиз

Ранжитган бўлсак узр...

ТОШКЕНТ ШАҲАР САВДО БОШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ФИРМАСИ (ОКТЯБРЬ БОЗОРИДАГИ) КЎЙЛАКЧАЛАР БЎЛИМИНИНГ СОТУВЧИСИ ШОҲИДА МАНСУРОВАГА

Шоҳида опа! 26 апрель, якшанба куни соат 10 дан ошган эди чамамда. Сиз «Болалар дунёси»га кираверишда — кўчада савдо қилаётган эдингиз. Харидорлар кўп эмасди. Нима бўлди-ю, чиройли кўйлакчалардан бири кўзимга ёқиб қолди. Кўйлакча йўргакдаги чақалоқдек ширингина эди. Қўлингизга 10 сўм тутқаздим. «Бир сўм тўқсон тийинлик кўйлакчадан беринг», дедим. Индамадингиз. Мен пулни бемаврид узатган эканман. Чунки сиз мендан аввалроқ бошқа харидор билан муомала қилаётган эдингиз-да. У кишига бир жуфт кўйлакча ўраб бердингиз-да, ундан олган пулингизга мен узатган 10 сўмни қўшиб чўнтагингизга солдингиз. Сўнг менга кўйлакча узатдингиз ва қўлимга қарадингиз. Мен сизга 10 сўм берганимни, уни чўнтагингизга солганингизни айтдим.

— Вой, нима деяпсиз! Қачон менга 10 сўм бердингиз! — дедингиз ҳайрон бўлиб.

Мен тушунтирдим. 10 сўм солган чўнтагингизни кўрсатдим. Пулларни олдингиз. У ерда иккита 10 сўмлик бор эди. «Булар савдонинг пули» дедингиз.

Хуллас, икки ўртада англашилмовчилик юз берди. Сизга 10 сўм узатганимни тасдиқлашга ҳаракат қиляпману, хаёлимдан Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Галатепага қайтиш» романидаги Ғайбаровнинг бозорда худди шундай ноқулай ҳолатга тушгани ўтади. Лекин менинг даъвоим асар қаҳрамонникидан асослироқ эди. Чунки ёнимда 10 сўмдан бошқа пул йўқ эди. Тушуняпсизми, мутлақо пулим бўлмай туриб мен умуман магазинга яқинлашмаслигим мантиқан асосли эмасми!.. Сиз эса 20 йилдан буён савдода ишлашингизни, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаганингизни, 7 та фарзандингиз борлигини, кўйлакчани қўлимга олмай қўлингизга пул тутқазмаслигим кераклигини икки-уч қайта такрорладингиз. Ҳатто жаҳлингиз қайнаб:

— Сендақа апирисларнинг кўпини кўрганман! — деб юбордингиз.

«Аферист», яъни «муттаҳам», қаллоб дедингиз мени. Шу гапингиздан кейинги можаро 1 сўм 90 тийин ва 8 сўм 10 тийин учун эмас, сиз мени ноҳақ ҳақоратлаганингиз учун бўлди. Савдони тўхтатдингиз, киссангиздаги пулларни чўтга солдингиз ва ҳисоб-китоб «тўппа-тўғри» эканини кўриб баттар ловиллаб оловга айландингиз.

— Сиз туфайли савдо қолиб кетяпти, энди кечгача ишим юришмайди, — дедингиз.

Бу орада текин томошабинлар томонидан қулоққа чалинаётган «холис» танбеҳларнику, қўяверинг!

— Бунақа иш қўлидан келадиган йигитга ўхшамайди-ку,— деди кимдир.

— Ўғирликнинг бунақа хили ҳам чиқибди-да! — деди бошқаси.

Сиз унга ўша заҳоти:

— Ҳе, бунақаларга чув тушадиган анойи йўқ! — деб жавоб қилдингиз.

Шундан сўнггина сизни ишонтирарман, деган умидда бисотимдаги охирги чорани ишга солдим:

— Опа, журналистман, мана — иш жойим, мана — телефоним, ёзиб берай, ҳозир келишайлик — сиз хизматингиздан, мен— йўлимдан қолмай, 8 сўм 10 тийин нари-бери бўлса ўзим эртага эрталаб келаман — 10 сўм ташлаб кетаман, — дедим.

Йўқ, сира иложи бўлмади. Энди ўйлаб кўрсам, ўша топда сизни гапимга ишонтиришдан кўра, бозордаги ҳар битта йўловчига «мен — ўғри-муттаҳамман»'деб бирма-бир айтиб чиқиш осонроқ экан.

Кейин бўлим мудирингиз— Наима опани чақирдингиз. У киши суриштиргач, омбордан олиб чиқилган кўйлакнинг сони 4 тага фарқланиши маълум бўлди. Ва, сизга:

— Бу кишининг қайтимини бериб юборинг, — деди.

Сиз нонлож аҳволда қолдингиз, менга қайтимни узатаётиб, «Шу кўйлак болангга буюрмасин!» дедингиз, «Топганинг — татимасин!» дедингиз. Оғизга олиб бўлмайдиган, қоғозга ёзиб бўлмайдиган яна ҳар балолар дедингиз.

Мен ўша топда Достоевскийнинг «Бечора одамлар» романидаги Девушкиндан ночорроқ, бечорароқ аҳволда қолдим.

— Сиз фарзанд доғини кўрманг... Сизнинг топганингиз ўзингизга буюрсин, — дея олдим, холос.

Орадан икки кун ўтди — 29 апрель куни эрталаб магазинга бордим. Наима опага учрашдим. Бошқа ҳамкасбларингиз ҳам бор эди. Якшанба куни савдонингизда кирим-чиқимлар тўғри чиққанини айтишди. Узр сўрашди. Афсуски, ўзингиз йўқ экансиз.. Тўғриси, яхшиям йўқ экансиз, агар бўлганингизда менинг қаршимда, ҳамкасбларингиз олдида нима аҳволга тушардингиз! Мен ана шуни ўйлаб қолдим, инсон кўнгли гул-ку, озор бериш яхшимас деб ўйладим.

Хуршид ДЎСТМУҲАМЕДОВ,

СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

Калейдоскоп

ОЙ УЧУН УЙЛАР

Японияниннг йирик «Мисава хоумз» уйсозлик кампанияси «Ой учун уйлар» ишлаб чиқаришни планлаштирмоқда.

Ер йўлдошини текшириш мақсадида кампания 500 миллион иен ажратди. Бу маблағга у махсус илмий текшириш маркази қуради. Марказда турли хил материалларни ишлаб чиқариш билан бирга ойнинг устки қатламидаги температура ҳавосини билиш ҳам мумкин.

«Мисава хоумз» фирмаси қураётган «Ой учун уйлар» ҳозирги вақтда унчалик кўп қўлланилмайди, мутахассисларнинг таъкидлашларича бундай уйлар яқин юз йиллик ичида кенг тарқалади.

МАНА БУНИ ГАЗЕТА ДЕСА БЎЛАДИ!

Венесуэланинг кичкинагина Гуаренас шаҳарчасида чиқадиган «Илустре пластико» газетасини шаҳар аҳолиси жуда тез сотиб олади.

Газетхонларни ундаги қизиқ материаллар билан бирга безаклар ҳам ўзига жалб этмоқда. Чунки ундаги безаклар пластик плёнкаларда босилмоқда.

Аввалига газета бошқача номланар ва оддий қоғозда босилар эди. Қоғозлар эса чет элдан сотиб олинарди. Бироқ, вақт ўтган сари қоғозларнинг нархи ўсди. Шу туфайли ёки газетани ёпиш керак эди ёки арзонроқ материаллар ҳисобига босишда давом этавериш керак эди. Газетанинг ижодкорлари пластик плёнка устида тўхташди. Аммо бошланишида катта қийинчиликлар бўлди: сабаби шундаки, пластик оддий матбуот бўёғини ёмон қабул қилади. Кейинчалик пластик ўзига яхши қабул қилиб оладиган бўёқ топилди.

ШУ ҲАФТАНИНГ ПРЕМЬЕРАЛАРИ

ТЕАТР

Тошкентдаги республика хореография билим юрти ташкил этилганлигига 40 йил тўлди. Ўқув маскани ана шу давр ичида Ўзбекистонда миллий санъатни тараққий эттиришга муносиб ҳисса қўшди. Билим юртини битирган минглаб истеъдодлар турли театр ва санъат коллективларида меҳнат қилмоқдалар. Ўқув даргоҳининг қирқинчи битирувчилари иштирокида Л. Делибнинг «Коппелия» балети сақналаштирилди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР катта академик опера ва балет театри саҳнасида намойиш этиладиган бу балетда билим юрти битирувчиларидан Эркин Қаҳҳоров, Дина Сулаймонова, Олег Гарбулев, Татьяна Кликина ва бошқалар қатнашадилар.

Янги спектакль 14, 17, 24 май кунлари соат 19 да намойиш этилади. Бу постановканинг бадиий раҳбари Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист К. Соатов ёшларнинг санъат сирларини эгаллашига муносиб ҳисса қўшаётган мураббийдир.

КИНО

Пойтахтимизнинг «Қозоғистон», «Восток», «Дружба» кинотеатрларида намойиш этиладиган янги «Хотирлаш» фильми мамлакатимизнинг машҳур санъаткори, Ленин мукофоти лауреатлигига номзод В. Висоцкий ижодига бағишланган. Картина асосан ҳужжатли материалларга бойлиги билан ажралиб туради. Унинг кадрлари табиий бўлиб, В. Висоцкийнинг журналистлар билан учрашувлари, дўстлари даврасидаги суҳбатлари, у иштирок этган спектакллар, кино, фото, видео материалларида муҳрланган. Ўз-ўзидан маълумки томошабин жўшқин қўшиқчининг ранг-баранг ашулаларини тинглайди.

Фильм ижодкорларининг фикрича бу санъаткор қўшиқларида бутун бир авлод тарихи мужассамлашган. Бу қўшиқлар уруш йиллари, эллигинчи, олтмишинчи йиллар ва шундан кейинги орзу-умидларга тўла даврларни тараннум этади.

Сценарий муаллифи ва режиссёри— Владимир Савельев. Операторлар — Андрей Владимиров, Павел Степанов.



Режиссёр И. Вознесенский ўзининг бу фильми ҳақида шундай ҳикоя қилади: «Ота-онадан жудо бўлиб, етим қолиш— бу ўз-ўзидан маълум даҳшат. Бироқ ота-она ҳаёт бўла туриб болалар етим бўлиб қолишсачи?! Бу ҳам даҳшат, ҳам мутлақо тушунарсиз ҳодисадир. Фильмимиз уйидан, ота-она меҳридан маҳрум бўлган болаларнинг аянчли тақдири ҳақида ҳикоя қилади. Фильм ҳужжатли кадрлар билан бошланиб, ҳаяжонли лавҳалар билан якунланади. Унда тирик етим қолган болаларнинг оналари ва дадалари ҳақидаги ҳикояларини ҳам тинглаймиз.

«Ўғлингиз қаерда?» фильми Ю. Иванов ва И. Вознесенскийнинг ҳамкорликда яратган учинчи картинасидир. Ю. Иванов касби юрист бўлиб, СССР Ички ишлар министрлигида хизмат қилади. Фильм М. Горький номли киностудияда суратга олинган. У Комил Ёрматов номидаги кинотеатрда намойиш этилади.

СУРАТДА: шу фильмдан кадр.

«БИЛИМЛАР УЙИ»ДА

«Билимлар уйи» коллективи қизиқарли суҳбатлар ўтказиш мақсадида турли тадбирларни амалга оширмоқда. 14 май соат 19 да бўладиган суҳбат «Шахснинг иродалилиги ва уни шакллантириш» деган мавзуга бағишланган. 15 май куни соат 19 да эса «Шахс ва маданият» мавзуида суҳбат ўтказилади. Томошабинларга бу ерда яна бир совға ҳозирланмоқда. 15, 16, 17 май кунлари соат 17, 19 да «Мосфильм» киностудияси ижодкорлари томошабинлар ҳузурига меҳмон бўлиб келадилар. Пойтахтлик кино усталари студияда олиб борилаётган қизғин ижодий ишлар ва янги картиналар ҳақида гапириб бериш билан бирга янги фильмлардан парчалар ҳам кўрсатишади.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИДА

Юрмала шаҳри... Эстрада санъатининг мухлислари бу шаҳарнинг номини яхши билишади. Ўтган йили бу шаҳарда Бутуниттифоқ замонавий совет қўшиқлари конкурси туғилди.

Бу конкурсни ҳар йили ўтказишга қарор қилинди. Маҳорат ва санъат кўриги ёш қўшиқчилар учун ўзига хос синов мактабидир. Бу конкурсда бўлажак санъаткор ўзининг ижодий йўли қанчалик муваффақиятли бораётганлигини билиб олиши мумкин.

Тошкентда ўтказилган республика биринчи телевизион конкурси ҳам ана шу Юрмала беллашувида қатнашиш учун ўзига хос босқичдир. 13 ва 15 май кунлари Ўзбекистон телевидениесининг биринчи программаси орқали соат 22 дан 35 минут ўтганда намойиш қилинадиган бу кўрсатув «Гулдастани кимга ҳадя этайлик» деб аталади.

● Ўзбекистон телевидениеси тингловчилар диққатига яна бир қизиқарли учрашувни ҳавола этмоқда. Бу кўрсатув 15 май куни соат 20 дан 50 минут ўтганда кўрсатилади. Унда сиз СССР халқ ўқитувчиси Одилжон Акбаров билан учрашасиз. Кўрсатув муаллифи Жаҳонгир Болтаев мухбиримизга бундай деди:

— Одилжон Акбаров новатор ўқитувчилардан бири. У СССР халқ ўқитувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Андижондаги 1-ҳунар-техника билим юртида 32 йилдан бери ёшларга касб ўргатмоқда. Унинг кўпгина собиқ ўқувчилари ажойиб касб эгаларидир. Биз телевидение ходимлари 40 минут давомида бу педагогнинг ҳаёти ва фаолиятини атрофлича кўрсатишга ҳаракат қилдик. Кўрсатув қаҳрамони Тошкентда бўлган педагоглар даврасидаги учрашувда тарбияга доир тажрибалари билан кенг ўртоқлашган.



СУРАТДА: «СССР халқ ўқитувчиси О. Акбаров билан учрашув» телекўрсатувидан лавҳа.

«ЧИНОЗ район, «Қизил Октябрь» колхози, Ойдин қишлоғи, Рауф Аҳмедов...»

Устига ана шундай сўзлар ёзилган конвертлар оқими тўхтамайди. Уларда бир умр мажруҳликка маҳкум этилган йигитнинг беқиёс жасорати, иродасига тасаннолар айтилади. **«Мен ҳам сиздек тақдир зарбасига учрағанларданман,** — деб ёзибди қирғизистонлик бир йигит, — **гоҳида дунё кўзимга тор кўриниб кетади, ўзим юролмасам, ҳамиша бировнинг мададига кўз тикиб турсам... Ана шундай ўй-фикрларда эзилиб юрганимда сиз ҳақингиздаги мақолани ўқидиму, кучимга куч қўшилди. Аҳволингиз менникидан ночор бўлишига қарамай ўқиганлигингиз, ажойиб рассом сифатида ижод қилаётганлигингизга қойил қолдим. Инсон ҳар қандай вазиятда ҳам тушкунликка берилмай ҳаёт учун, кўзланган мақсади учун курашиш лозимлигини англадим».**

Бировнинг назари тушмайдиган чекка қишлоқда тақдир ҳукмига бўйсунмай эзгу мақсади сари курашни бир зум тўхтатмаган, кўчага чиқолмаса ҳам ўз ижоди билан ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга ҳисса қўшаётган Рауф Аҳмедов номи бугунги кунда республикамиз ташқарисида ҳам маълум. Ўзбекистон телевидениеси талантли рассом ҳаёти ва ижоди ҳақида махсус кўрсатув намойиш қилди.

Яқинда «Тошкент оқшоми» газетаси чинозлик рассом ҳақида илиқ сўзлар айтиб, у чизган янги карикатуралардан намуналар берди. Ҳозир «Оқшом» саҳифаларида Рауф Аҳмедов номи тез-тез кўриниб турибди.

У бир пайтлар бировнинг мададига, йўл-йўриғига зор эди. Энди ундан маслаҳат сўрашади, худди сиздек иродали бўлиш учун нима қилишимиз керак, дейишади. Уларга Рауфнинг жавоби битта: ўқиш, изланишдан чарчаманг, жамиятдаги ўз ўрнингиз учун курашинг.

Ҳали қуйироқда мактублар ҳақидаги суҳбатимизни давом эттирамиз. Ундан аввал оқшомхонларга тақдир ҳукмига бўйсунмай сабр-бардоши, матонати туфайли эл оғзига тушган, ётган жойида мамлакатимиздаги революцион ўзгаришларни қалбдан ҳис этиб, камчилик-нуқсонларга қарши курашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ёш рассом ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчимиз.

... Ўшанда Моҳира опа эндигина беш ёшга кирган ўғилчаси Рауфни опичиб дала ўртасидан ўтмаганида бу кўргуликлар бошига тушмасмиди... Ўша турқи совуқ олапар қаёқдан чиқди— билмайди. Итнинг тишларини иржайтириб ириллаши бояқиш аёлни чўчитиб юборди. Орқага тасарилганда бола ерга йиқилди. Шу баҳона бўлди-ю, чопқиллаб-югургилаб юрган Рауф дардга чалинди. Икки . оёғидан мадор кетиб борарди.

У тенгилар биринчи синфга қатнай бошладилар. Пардақул ака ўғлини ўқситмаслик учун янги папка, дафтар-қалам олиб келди, кўтариб мактабга олиб борди. Шу-шу Рауф биринчи синфнинг энг эрка ўқувчиси бўлиб қолди. Меҳрибон ўқитувчиларидан Тошпўлат Сафаров, Эргаш Аҳмедовлар болаларга дарсдан ташқари фавқулодда топшириқ беришди: ҳамма Рауфнинг яхши ўқиши учун ҳисса қўшсин. Топшириқ аъло даражада бажарилди. Роппа-роса етти йил Рауф синфдошлари елкасида қатнади. Дадаси велосипед олиб берганди. Баъзида унга бир амаллаб миниб дўстлари қуршови ва кузатувида мактабга йўл оларди. Қишлоқ йўллари ўзингизга маълум, ёнингарчиликда тиззадан лой бўларди. Шундай пайтларда болаларнинг бири велосипедни етаклар, бири ўртоғини опичиб оларди. Кўпинча уни синфдоши Раҳим Бердиев кўтарарди. **«Қийналмаяпсанми, ўртоқ?** — хижолат бўлар сўрарди Рауф,— **бу ёғига ўзим кетарман...» «Ҳеч оғиринг йўқ-ку,** — жавоб қайтарарди Раҳим, **—қушдек енгилсан-а».** У қора терга тушиб кетганини билдиргиси келмасди. Қийинчилик, машаққатли кунларда дўстларига қиё боқмайдиган, кўнглини кўтармайдиган баъзи кап-катта одамлар олдида мана шу гўдаклар кўзимизга тоғдек кўринади.

Ота-она фарзандлари юз-кўзидаги севинч, табассумни кўриб бошлари осмонга етарди. Қишда Пардақул ака белкурак билан уйидан то мактабгача йўл очиб чиқарди. Баъзан синфдошлари Тошпўлат ака бошчилигида келишиб дарс тайёрлашар, уйни бошга кўтариб чуғурлашарди.

Бармоғимизга тикан кирса ҳам оғритади. Рауф эса бундан юз баробар кучли оғриқларга дош беришда рекорд қўйган эди. Бир неча марталаб жонни эговлайдиган операцияларни бошидан кечирди, белигача гипсланиб осмонга қараб ётди. Орқалари уюшиб шилиниб кетди. Шундай оғир аҳволда ҳам қўлидан мўйқаламини туширмади, тинимсиз машқ қилди, юзлаб варақ қоғозларни қоралади. Унда хаёл олами кенг эди. Ётган жойида гуллар рангини, олам кўринишларини ёркин тасаввур қилар, хаёлидаги манзараларни қоғозга туширарди. Бир куни тинчлик мавзуида ажойиб расм чизди. Унинг ҳолидан хабар олиб турган ҳамшира Рауфга билдирмай «Мурзилка» журналига жўнатди. Қарангки, ўша расм журналнинг мукофотига сазовор бўлди. Кейинчалик бўлажак рассом бундай мукофотлардан кўпини олди...

Рауфнинг отаси Пардақул Аҳмедов Мингтепа (ҳозирги Ойдин) қишлоғида туғилди, болалигидан бойлар эшигида хизмат қилди. Тиззадан сув кечиб шоли ўтади, бир бурда нон учун оғир-оғир ишларни бажарди. Улуғ Октябрь революциясидан сўнггина эркин нафас олиб, ҳовли-жойли бўлди, коллективлаштиришда қатнашди. Улуғ Ватан уруши йиллари қонли жангларда жасорат кўрсатди. Уларникига собиқ жангчи Николай Ланько тез-тез келиб турарди. Пардақул ака билан Николай Владимировичнинг фронт эсдаликларини тинглаш мароқли эди. У расмларга узоқ, завқ билан тикилди. Сўнг боланинг жингалак сочларини силаб, қатъий равишда деди:

— Сен ўқишинг керак, Рауф. Хоҳласанг ёрдам бераман. Келажакда яхшигина рассом бўласан.

Коля амаки Москвадаги СССР халқлари санъати сиртқи университети адресини топиб келди, ариза ёзишда кўмаклашди. Шундай қилиб Рауф узоқ ёзишмалардан, бир-биридан қийин имтиҳонлардан сўнг олий ўқув юртига қабул қилинди. У Ўйғониш даврининг буюк рассомлари Леонардо да Винчи, Рембрандт, Микеланжело, Рафаэль, улуғ рус рассомлари Репин, Серов, Суриков, Левитан асарлари репродукцияларидан ўрганди, буюк мусаввирларнинг ёркин таланти ёш рассомни мафтун қилди. Рауф ўқиш давомида Москвага 100 дан зиёд расм чизиб жўнатди.

Ўтган йили, Москвадан, ўқитувчиси В. Л. Грохотовдан хат келди. Унда Рауфнинг ҳаваскор рассомлар Бутуниттифоқ кўргазмасига юборган расмларидан иккитаси «Ўзбекистон» бўлимида намойиш қилинганлиги ҳамда диплом билан тақдирланганлиги айтилганди.

Яхши одамлар номи унутилмайди. Рауф «Муштум» журналининг ўша пайтдаги бош рассоми марҳум Алижон Холиқовни миннатдорчилик билан эслайди. У киши қишлоқдан келган рассом олдига тушиб расмларини кўздан кечирар, танлаб олар ва маслаҳатлар берарди. Журналларда карикатуралари чиққан куни Рауфнинг кўнгли кўтарилар, худди оёқларига жон киргандек дадиллашарди. Яна столга мук тушиб ёки тўғридан тўғри шолчага ётиб олиб янги расмлар чизарди.

Ойдинда етишиб чиққан рассом ҳақида дастлаб район газетасида очерклар эълон қилинди. Худди шу пайтда рассом қидириб юрган колхоз раҳбарлари Рауфнинг олдига ўз вакилларини юборишди. Агар у колхоз дала шийпонлари, фермаларини безатишга кўнса ойлик тайинлаймиз, дейишди. Рассомга моддий аҳволини яхшилаш, қимматбаҳо бўёқлар сотиб олиш учун пул керак эди. Кўнди. Буюртмалар кундан кунга кўпайиб борарди. Баъзан Рауф каттакатта паннолар устида ўрмалаб юриб, ёнбоши уюшиб, бели толиб қолганда узун таёқ учига қалам қистириб чизарди. Ҳуллас, ўзига қулай усул қидиргани қидирган эди. Машаққатли меҳнатдан уни ҳолдан тойдирди, буйраги бот-бот оғрийдиган бўлиб қолди. Бир куни юраги безобта бўлиб, ҳаммани қўрқитди. Тошкентдаги шифохонага ётқизишди. Врачлар бундан кейин расм чизишни камайтиришни маслаҳат беришди. Лекин, Рауф чизмасдан туролмасди...

Биз Рауфларникига унинг аҳволи анча оғирлашган, соғлиғидан тез-тез шикоят қилиб юрган кунларда келдик. У тўлиб турган эканми, райондаги айрим тошмеҳр раҳбарлардан хафа бўлганлигини айтди. Унга 2 тонна кўмир ҳам беришмабди. Уни ўз машинасига солиб Тошкентдаги редакцияларга олиб бориб, келадиган Абдузоир Норқулов илтимоси билан 2 та автошина сўраб райижрокомга борди. Чунки, шу иккитагина арзимас ғилдирак бозорда фалон сўм. Рауфнинг расмлари журналларда, газеталарда чиқиб туради, танишар, йўқ дейишмас, деган хаёлга боришди. Афсуски, ижрокомдагилар гапларига кулиб қўя қолишди.

У колхознинг янги раиси Баҳодир Ҳасанов, партия комитетининг секретари Меҳди Усмоновлардан миннатдор эканлигини айтди. Ҳар куни хабар олиб туришибди, илтимосларимга йўқ дейишмайди, деди.

— **Ўғлим шўрлик қийналиб кетди,** — дейди Моҳира опа,— **чарчаб қолсаң десам ҳам кўнмайди.**

Кейинги операциялардан бирида Рауфнинг бўйни орқага қараб қолди. Гаплашмоқчи бўлса столга бутун гавдаси билан энгашишга мажбур.

— **Оёғимдан умид йўқ,** — деди Рауф. — **Ҳеч бўлмаганда буйрагим тузалганда эди... Ҳали режаларим кўп. Катта-катта расмлар чизмоқчиман.**

Ана шу суҳбатдан кейин «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида «Қисматга қасдма қасд» сарлавҳали мақола эълон қилинди. У республикадан ташқаридаги газетхонларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Редакцияга хатлар ёғилиб кетди. Уларда лоқайд раҳбарлар шаънига аччиқ гаплар айтилди, рассомнинг келажаги учун зарур тадбирлар белгилаш лозимлиги таъкидланди. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри С. Баҳромов рассом уйига келиб, у билан суҳбатлашди, ночор аҳволда ҳам қийнаётган дардлар чекинди.

— **Бизда вақти-вақти билан бир ой даволанасиз,** — деди А. Раҳимжонов, — **бўйнингизни асл ҳолига келтиришга ҳаракат қиламиз.**

Газета мақоласидан сўнг Рауфга эътибор, ғамхўрлик кучайди. Унинг уйига районнинг деярли барча катта раҳбарлари келиб кетишди. Врач Жамила Балташевага рассом соғлиғидан мунтазам хабар олиб туриш вазифаси топширилди. Уйига телефон ўрнатилди. Илгари ўзи бориб ҳам ололмаган 2 та автошинани ўзлари келтириб беришди. Район партия комитетининг биринчи секретари В. Г. Гришчук Рауф билан суҳбатлашди, расмларини кўздан кечирди.

— **Райком номидан Москвага хат ёзиб, университетдаги расмларингизни қайтаришини сўраймиз,** — деди биринчи секретарь, — **кейин ҳаммасини жамлаб районда кўргазма ташкил этамиз. Ҳуллас, сизни ўзимиз оталиққа оламиз.**

Чиноз район комсомол комитети иккинчи секретари Андрей Левин рассомни область Ленин комсомоли мукофотига тавсия этиш ҳаракатида юрибди. Бизнингча, Рауфнинг номзодини бутун Ўзбекистон маъқулласа керак...

Шу ерда Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениеси раҳбарларини бироз танқид қилиб ўтмоқчимиз. Рассом ҳақида республика бўйича гап кетаётганда, одамлар унинг келажаги учун қайғуришаётганда ҳам улар жим ўтиришни маъқул кўришяпти. Ҳалигача Рауфнинг олдига ҳеч ким келгани, нима ёрдам керак, деб сўраганича йўқ. Бизнингча, рассомга ёрдам бериш учун кўп нарса керак эмас.

— **Ичкиликка қарши чизган расмларим министрга ёқди,** — деди Рауф, — **у нашриёт билан гаплашиб, плакат қилиб чиқарамиз деб ваъда берди.**

Ҳозир Рауфни майда-чуйда ишлардан озод қилишган. Энди илгаригидек ярим кечагача паннолар устида ўрмаламайди, қўлида мўйқаламини ҳолдан тойиб ухлаб қолмайди. Колхоз томонидан ажратилган ёрдамчилар унинг ишини енгиллаштиришмоқда. Энди у янги-янги мавзуларда расмлар чизаяпти...

Энди рассомга келган хатлар устида тўхталиб ўтсак. Бу оддий салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашдан иборат эмас. Уларда одамларнинг дардлари, пинҳоний юрак сирлари яширинган. Хатларни ўқир экансиз, тақдир зарбасига учраган йигит-қизларнинг сўзларини ўқиб ҳаяжонга тушасиз, айрим раҳбарларнинг лоқайдлигидан аччиқланасиз... .

Тожикистонлик Хурсандой Соатова мактубидан:

«Мен ҳам бахтсиз тасодиф туфайли бир умрга мажруҳ бўлиб қолганман. Ўрта мактабни, ҳунар-техника билим юртини тугатдим. Лекин колхозимиздагилар менга иш топиб беришмаяпти.

Рауф ака, мен ота-онасининг эркаси, димоғдор бир қизни танийман. Шу қиз билан айтишиб қолдим. Шунда у менга қараб: «Агар мен сендек майиб бўлганимда ўзимни ўзим осардим», деди. Юрагимга қаттиқ ботди бу гаплар. Икки-уч кун йиғлаб юрдим. Айтингчи, ўша қизнинг гапи тўғримми! Инвалид эканман, деб ўлиб кетаверишим керакми!»

Биз тожикистонлик нотаниш қизга айтмоқчимизки, сира ҳам умидсизликка тушманг. Андишасиз одамлар нима деса дейишаверсин. Сиз уларнинг беҳаёлигига матонатингиз, меҳнатингиз билан жавоб беринг. Аслида сиз ана шундай қалби мажруҳ кишилардан юқорироқсиз.

Қашқадарёлик Сайёра Халилова мактубидан:

«Мен Шаҳрисабз районидаги пахта тозалаш заводи кутубхонасида ишлайман. Касбимдан мамнунман. Яқинда газетада сиз ҳақингиздаги мақоланн ўқиндиму, кўзларимга ёш келди, мен учун азиз бўлган бир йигит ёдимга тушди. У билан Қаршида ўқиётганимда таништгандим. Афсуски, шум тақдир менга қаршн зарба тайёрлаб турган экан. Йигит 5-курсга ўтганда аварияга учраб, икки оёғидан ажралди. Шифохонага бордим. Бир аҳволда ётганини кўриб, кўнглим бузилди. У нималариндир айтмоқчидек эди. «Сайёра, — деди қийналиб, — эндн олдимга келманг, Кўриб турибсиз, мажруҳман. Ҳеч кимга кераким йўқ». Аввал роса йиғладим. Сўнг қатъий жавоб бердим: «Фақат сизни деганман. Икки оёғингиз экану, икки қўлингиз бўлмаса ҳам аҳдимдан қайтмайман». Унга янги газета, журналлар олиб бориб турдим. Лекин, қувончим узоққа чўзилмади. Йигит шифохонада вафот этди. Унинг суратини ҳали-ҳали авайлаб сақлайман. Агар у ҳаёт бўлганда сиздек рассом бўлармиди.. Чунки, тасвирий санъатга қизиқиши зўр эди».

Фарғоналик Маъмур Тўхтабоев мактубидан:

«Бухоролик Муҳаммаджон билан таништгандим. Хат ёзишиб турамиз. У 8-синфда ўқиётганда аварияга учраган экан. Унинчини уйида битирибди. Бухоро пединститутини сиртдан тамомлаган. Ҳозир райондаги идоралардан бирида ишлайди. Шу йигитга бир қиз турмушга чиқишга розн бўлибди. Ота-онаси, акалари қаршилигига қарамай қиз ўз аҳдида қатъий турнб олган. Рауфжон, демоқчиманки, киши ҳар қандай ҳолда ҳам умидсизликка тушмаслиги керак. Ишончим комилки, сиз ҳам тузаласиз, қишлоғингизнинг қизларидан бири сиз билан турмуш қуришга розн бўлса ажаб эмас».

Коммунистик районида яшовчи Муҳаббат Мирзаева мактубидан:

«Ҳурматли Рауф Аҳмедов, газетадаги мақоланн ўқиб сизга хат ёзишга қарор қилдим. Энг аввало, ўзимни таништирай. Ёшим 34 га чиқди. Шундан 27 йилини тўшакда ётиб ўтказдим. Ўрта мактабни шифохонада даволаняётганимда тугатдим. Врачлар ёрдами билан қўлтиқтаёқда юрадиган бўлдим. Операциялардан жонним қийналганн қолди, холос. Маданий-оқартув техникумнинг кутубхоначилик факультетига имтиҳон топширдим. Ростини айтсам, азоб-уқубат билан, қийналиб ўқидим. Дугоналарим 5 минутда тўртинчи қаватга кўтарилишарди. Мен эса икки соатда аранг чиқардим. Техникумни аъло баҳолар билан битирдим. Ўқишни давом эттирмоқчи эдим, ҳеч ким қўллаб-қувватламадн. Мустақил билим олишимга тўғри келди. Баъзан аъзою баданимга рақмсиз оғриқ кириб, ўйиб-ўйиб олаётгандек бўларди. Юрагим тўхтаб қолмаса эди деб қўрқардим. Лекин, ҳаёт учун курашдан чарчамадим. Менга квартира беришди. Энди бемалол ўқиб-ўрганишим мумкин эди. Стенография ва машинисткалик, чет тиллар бўйнча сиртқи курсларни тамомладим. Ҳозирги кунда таржимонлик билан шуғулланмоқдаман. Узбек тилидан рус тилига кўпгина ёзувчиларнинг асарларини таржима қилдим. Яқинда Москвада мен ҳамкорлик қилаётган ёзувчининг китоби босилди. Унга менинг ҳам икки таржимам киритилибди.

Дўстларим жуда кўп. Улар мунтазам хат ёзиб туришади. Баъзан телефон жиринглаб қолади. Танш овозларни эшитиб кўнглим кўтарилади, ёлғизлигим, дардим эсимдан чиқиб кетади. Мен ҳам сизга ўхшаб квартирамдан ташқарига жуда кам чиқаман. Ҳамиша ишим тўлиб-тошиб ётади. Ҳаммасига улгуришим, ҳар бир кунни барокали ижод билан ўтказишим керак. Қатъий иш режиммни ана шундай тузганман.

Рауф, сиз тўла ҳуқуқли Совет Иттифоқи граждани сифатида жамиятдан ўз ўрнингизни топдингиз, ҳали ҳам учраб турадиган иллатларга қарши курашмоқдасиз. Сизга ҳавасим келади. Ҳамиша саломат бўлинг».

Яқинда бир ҳужжатли фильмни томоша қилдик. Экранда қўл-оёғи бут, келишган жувон кўринди. У мўматалоқ бўлиб кетган қўлларини яширишга уринарди. Бир пайтлар порлаб турган кўзлари энди лоқайд, бутун вужуди титрайди. Ана, энди-гина ҳаётга қадам қўйган ёшлар. Юзларида ёшликнинг ўзига хос тароватн қолмаган. Гиёҳвандлик уларни ана шундай аянчли аҳволга туширди. Ҳўш, бу йигит-қизларга нима етишмасди? Бу саволга аниқ жавоб беришолмайди. Чунки, енгилтаклик, кайф-сафо ортидан қувиш туфайли ўз ҳаётларини ўзлари заҳарлаганликларини яхши билишарди.

Тоғни урса талқон қилгудек йигитларнинг енгил-елпи ишларда юрганликларига нима дейсиз? Давангирдек бир йигитнинг хотин-қизлар ички кийимларини сотаётганлигига қандай баҳо берасиз? Пул ҳидидан маст бўлиб, хотин олиб, хотин қўяётган «бойвачча»лар-чи? Орамизда бутун оғирликларини ота-оналарига солиб, мақсадсиз сандироқлаб юрган такасалтанглар камми? Шулар олдида Рауфга, Муҳаббатга ўхшаганлар кўзимизга тоғдек кўринади.

Одамлар унга ҳар қандай йўл билан бўлса-да, ёрдам беришларини билдиришган. Юқорида айтганимиздек, Чиноз район партия комитети, район ижроия комитети, район социал таъминоти бўлими ҳамда «Қизил Октябрь» колхози раҳбарлари рассомга зарур ёрдам ва ғамхўрликлар кўрсатишмоқда. У билан суҳбатлашганимизда биздан илтимос қилди:

— **Ҳамма хатларга жавоб ёзиб улгуролмаяпман. Газета орқали менга хат ёзган, яхши тилаклар билдирган ажойиб қалбли кишиларга мени номимдан миннатдорчилик билдириб қўйсангиз. Уларнинг ишончини оқлашга, ўз ижодим билан эл-юрт ишига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.**

Бугун Рауфнинг илтимосини бажараяпмиз. Раҳмат сизга, одамлар! Сизларнинг илиқ сўзларингиз ёш рассомга катта далда бўлди, кўнглига нур ёғилди. Энг муҳими — илгаригидан ҳам зўр ғайрат билан ижод қилмоқда, янги-янги тутилмаган мавзуларда расмлар чизмоқда. Атрофида сиз каби ғамхўр одамлар борлиги ҳаётга бўлган муҳаббатини янада алангалатмоқда.

Ҳамиша соғ-саломат бўлинг Рауфжон! Бу ҳаммамизнинг истагимиз. Сизни етук мусаввирлар қаторида тезроқ кўргимиз келади...

Қодиржон СОБИРОВ,
Эсон ҚОСИМОВ.

⊙

Бугун биз оқшомхонлар эътиборига Рауф Аҳмедовнинг автопортретини ва у чизган ҳажвий расмлардан намуналарни ҳавола этмоқдамиз.

Оқшомхонлар учун ўчрашув



ТАҚДИРГА БЎЙСУНМАГАН ЙИГИТ

Курашнинг тўхтаб қолиши ҳаётнинг бош фожиасидир.

Н. ОСТРОВСКИЙ.



● Сифатсиз иш — келтирар ташвиш,
● Қанот боғлар ўқиб бўлмас асарига,
У тегади китобхонлар асабига.

● «Дарсингни йиғиштир, тур, — дейди ота басавлат,
— мана бу меваларни олиб чиқиб сот!»



ЭГИЗАКЛАР. В. Алексеев фотоэтюди.

«ЧИМЁН ЙЎЛИМНИ НУРАФШОН ЭТДИ»

«Чимён-87» ҳаваскорлик қўшиқлари анъанавий Тошкент фестивалига мамлакатимизнинг турли чеккаларидан мингга яқин иштирокчи келди. Бу фестиваль Улуғ Октябрь 70 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ халқ ижодиёти иккинчи фестивалининг таркибий қисми бўлди.

«Тинглang-у, айтинг, қўшиғим созми?» Уз қўшиқларини ўзи ижро этиб, анча машҳур бўлиб қолган Владимир Ланцберг қаламига мансуб ушбу мисра тоғ ёнбағридаги ўтлоқда тахталардан ясалган саҳна тепасига ёзиб қўйилган. Чимён фестивали ўтказила бошлаганига ўн йил тўлди. Бу даврда ижодий парвоз кезлари ҳам, ташвишли танаффуслар ҳам бўлди. Қўшиқ байрами 1982 йилдан бери ўтказилмай қўйилган эди, бу йил яна бошлаб юборилди. «Қўшиғим созми?» деган сўзларни баъзи бировлар нотўғри тушунишди. Шу боисдан бемаъни хулоса чиқарилган дамлар ҳам бўлди.

Вақт ўтиши билан ана шу мисранн теранроқ фаҳмлай бошладилар. Бу галги фестивални Тошкентдаги бир неча ҳаваскорлик қўшиқлари клублари ташкил этдилар, улар орасида Темирйўлчилар маданият саройининг «Резонанс», «Юность» маданият саройининг «Апрель» ва Олимлар уйининг «Лимузин» клублари ва бошқа клублар шаҳар комсомол комитети, республика Ёзувчилар союзи ҳамда туристик ташкилотларнинг кўмагида уюштирдилар. Фестивалда қатнашиш тўғрисидаги таклифни Москва, Ленинград, бошқа кўпгина шаҳарлар ва республикалардаги ижрочилар, ҳаваскорлик қўшиқлари клублари бажонидил қабул қилдилар. Меҳмонлар орасида қарағандалик Виктор Баранов, москвалик Юрий Устинов, Михаил Басин ва Дмитрий Дихтер, днепропетровсклик Александр Медведенко сингари таниқли ижрочилар бор.

— Тошкент фестивали қайтадан ўтказила бошлаганидан жуда хурсандман, — деди фахрий меҳмон ва фестиваль жюрисининг аъзоси, турист қўшиқлари тўпламлари тузувчиси, москвалик инженер Леонид Беленький. — Бу галги қўшиқ байрами Ўзбекистонда ҳаваскорлик ижодининг ана шу тури ниҳоятда ривожланганлигини кўрсатди.

— Муаммоларимиз ҳам кўп, — эътироз билдиради «Резонанс» клубининг раиси Олег Ҳусниддинов. — Битта мисолни айтиб ўтай. Клубимиз ташкил топганига тўрт йил бўлди. Тошкент шаҳар ижроия комитети маданият бошқармаси комиссияси бизни аттестациядан ўтказган, меҳнаткашлар ҳузурида концерт бериш ҳуқуқига эгамиз. Сўнгги бир йил мобайнида, агар янглишмасам, ўн тўртта катта концерт қўйиб бердик. Концерт вақтида зал томошабин билан лиқ тўлди, анчагина маблағ ҳам тушди. Аммо клуб ана шу маблағлардан манфаатдор эмас. Гитара, магнитофон ва бошқа саҳна анжомлари сотиб олишимизга бир сўм ҳам маблағ ажратилгани йўқ.

— Бу масала бутун мамлакатда ўткир бўлиб турибди, — деди Москвадаги турист қўшиқлари клубларидан бирининг раиси Иван Акименко. — Назаримда, ҳаваскорликни хўжалик ҳисоби билан, савдо-сотиқ билан аралаштириб юбориш керак эмас. Аммо ёрдам бериш зарур. Бу иш билан, менимча, комсомол комитетлари шуғулланишлари керак. Маъмуриятчилик қилмаслик лозим, клублар, ижрочилар кўпаяверсин, улар бир-бирига ўхшамагани, ўз овозига эга бўлгани маъқул. Аммо регионларда, республикаларда ягона методика марказлари бўлиши, улар ихтиёрига адабиёт ва фонотека, чоғроқ концерт зали бериб қўйилиши лозим. Бунга бўладиган харажатлар, айтайлик, дискотекани жиҳозлашга кетадиган харажатдан ошмайди. Фойда эса катта бўлади.

Чимёндаги чодирлар шаҳарчасида фестиваль уч кун давом этди, бу байрам ниҳоятда қизғин ўтди. Саҳнага юзлаб ижрочилар чиқишди. Сергей Боханцев (Свердловск), Андрей Ширяев (Целиноград), Маргарита Кардакова (Фрунзе), Вячеслав Чекалов (Зарафшон), Юлия Каган (Новосибирск), Тошкентдаги «Лица» ҳаваскорлик қўшиғи театри, томсклик Федор Гарковенко ва Игорь Иванов дуэти фестиваль лауреатлари бўлишди.

Концертлар орасида мунозаралар бўлди. Томошабинлар карнавал чойхонасига, яъни ҳазил қўшиқлар конкурсига ҳам келдилар. Гулҳан атрофида саҳаргача қўшиқлар янграб турди. Тоғ ёнбағрида эса дам қор ёғар, дам ҳаво исиб кетарди. Шамоллаб қолиб, товушлари бироз хириллаб чиқаётган ҳаваскор хонандалар Дмитрий Сухаревнинг эндиликда машҳур бўлиб кетган «Бурчмулла» қўшиғини ва Сергей Никитиннинг «Чимён йўлимни нурафшон этди, кўнглимга гўзалликни ошиён этди» деган қўшиғини қувнаб-яйраб куйладилар.

И. ХИСАМОВ,
УзТАГ мухбири.

(«Тошкент оқшоми»нинг навбатдаги сони 14 майда чиқади).

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/V да **Коппелия**, 13/V да **Дунёнинг яратилиши.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/V да **Отелло**, 13/V да **Курорт.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/V **Паранжи сирлари.**

Кино

12 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ХАТАР АЛОМАТИ»—**Санъат саройи** (17, 20.00; телефонлар 44-21-44, 44-21-34), **Тинчлик** (16, 18.30, 21.00).

«БЎЙСУНМАС МАРКИЗА» — **Чайка** (16.20, 19, 21.30; телефон 47-49-11), **Ватан** 16, 18.30, 21.00), **Нукус** (16, 18.30, 21.00; телефон 46-70-69), **Москва** (16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01).

«СОЛЯРИС» — **Қозоғистон** (21.00; телефон 47-49-11).

«КИН-ДЗА-ДЗА» —**Қозоғистон** (17.00, 18.20; телефон 35-24-92), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (17, 20.00; телефон 33-44-52), **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30; телефонлар 44-21-44, 44-21-34).

«ХОТИРЛАШ» — **Дружба** (16, 18, 20.00; телефон 66-15-75), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ҚИСҚА УЧРАШУВЛАР» — **Дружба** (17, 19, 21.00; телефон 66-15-75).

«ВИЙ»—**Тошкент Советининг 50 йиллиги** (16, 18, 20, 21.30; телефон 78-47-25).

«ОЙ ЖАЗМАНЛАРИ» —**Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (17, 19, 21.00).

«ПАНТЕРАНИНГ УЧ КАРРА ҲАМЛАСИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ЗЎР ЎТИРИБМИЗ!» —**Искра** (16, 18, 20.00; телефон 39-14-59), **Фестиваль** (21.30).

«МИСОЛИ УЧ МУШКЕТЁР»— **М. Шайхзода номли** (16, 18.30, 20.45).

«ОХИРГИ ВАГОНГА КИМ ЧИҚАДИ» —**Ҳамза номли** (тоқ соатларда).

«ЗОЛТАН КАРПАТИНИНГ ТАҚДИРИ»—**К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«ДЕЛЬФИН НОЛАСИ» — **Хива** (21.30).

«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — **Янгиобод** (тоқ соатларда).

13 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ХАТАР АЛОМАТИ»— **Санъат саройи** (11, 14, 17, 20.00; телефонлар 44-21-44, 44-21-34), **Тинчлик** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«БЎЙСУНМАС МАРКИЗА»— **Чайка** (11, 13.30, 16.20, 19, 21.30; телефон 47-49-11), **Ватан** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 46-70-69), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01).

«СОЛЯРИС» — **Қозоғистон** (11, 21.00).

«КИН-ДЗА-ДЗА» — **Қозоғистон** (12, 14, 15, 17.00, 18.20; телефон 35-24-92), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 14, 17, 20.00; телефон 33-44-52), **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30; телефонлар 44-21-44, 44-21-34).

«ХОТИРЛАШ»— **Дружба** (12, 14, 16, 18, 20.00; телефон 66-15-75), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ҚИСҚА УЧРАШУВЛАР» — **Дружба** (11, 13, 15, 17, 19, 21.00; телефон 66-15-75).

«ҚИЁФАДОШ»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (12, 14, 16, 18, 20, 21.30; телефон 78-47-25).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» (ўзбек тилида) — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (13, 17, 21.00).

«АМИРНИНГ ХУФИЯ САЁҲАТИ» (ўзбек тилида) — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (11, 15, 19.00).

«ПАНТЕРА»НИНГ УЧ КАРРА ҲАМЛАСИ» — **Янгиобод** (тоқ соатларда).

«ЗЎР ЎТИРИБМИЗ!» —**Искра** (12, 14, 16, 18, 20.00; телефон 39-14-59), **Фестиваль** (21.30).

«МИСОЛИ УЧ МУШКЕТЁР»— **М. Шайхзода номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

«ОСМОНДАН ТУШГАНЛАР» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«СЕВГИ ВА КАБУТАРЛАР» (ўзбек тилида) — **Ҳамза номли** (13.00).

«ОХИРГИ ВАГОНГА КИМ ЧИҚАДИ?» — **Ҳамза номли** (тоқ соатларда).

«ЗОЛТАН КАРПАТИНИНГ ТАҚДИРИ» — **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«ДЕЛЬФИН НОЛАСИ» —**Хива** (21.30).

«Главташкентстрой»

1-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ

3-ҚУРИЛИШ

БОШҚАРМАСИ

ТУГАТИЛДИ

Даъволар 20 майгача қуйидаги адресда қабул қилинади: 700005, Тошкент шаҳри, 8-Март кўчаси, 12-уй.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР — РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

24 май соат 10.00 да

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИГА 10 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ВА ОТА-ОНАЛАР, ШУНИНГДЕК ИЛГАРИ МАКТАБНИ БИТИРГАН ҲАМДА ИНСТИТУТГА КИРИБ ЎҚИШ ҲОҲИШИДА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛАДИЛАР.

Институтга қабул қилиш қоидалари билан кечки ва сиртқи факультетларнинг қабул комиссияларида ҳар куни соат 14 дан 20.00 гача, шанба куни — соат 10 дан 15.00 гача танишиш мумкин.

Институт адреси: 700084, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108-уй. Телефонлар: 35-10-52, 35-09-35.

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

17-«ОБУНА НАШРЛАРИ» МАГАЗИНИНИНГ БУКИНИСТИК БЎЛИМИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ

СОТАДИ

Катта Совет Энциклопедияси, 51 томлик. 2-нашр.

О. Даль. Рус тилининг изоҳли луғати 4 томлик.

Л. Украинка. Асарлар тўплами, 3 томлик ва бошқа обуна нашрлари.

Бадиий адабиётларнинг катта ассортиментини

Обуна нашрлари, бадиий ва болалар адабиёти, фалсафа, тарих, санъат ва бошқа соҳаларга оид китоблар.

Китоблар амалдаги янги каталог-прейскурантлар бўйича сотиб олинади.

Магазинимизга марҳамат қилинг!

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй (10, 23, 27-трамвайлар; 48, 44, 93, 97-автобуслар; 10, 1, 4-троллейбусларнинг «Магазин» бекати).

Справкалар учун телефон — 44-57-41.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ.

Собир Раҳимов, Акмал Икромов ва Сергели районларининг йигит-қизлари диққатига!

20 МАЙДАН БОШЛАБ

ЭКСТЕРНАТ

ТАРТИБИДА

ИМТИҲОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 10.00 ДАН БОШЛАБ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мактаб адреси: Тошкент шаҳар, Беруний кўчаси, 369-«а» уй (28, 34, 47, 31, 87-автобуслар; 8, 18-троллейбуслар; 7, 15, 16-трамвайларнинг «Юбилей» Марказий спорт саройи» бекати). Телефон 46-33-07.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИНИНГ

Тошкент экскаватор заводи ва В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

17-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1987-1988 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг профилдаги станокчи, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, ярим автоматик ва автоматик машиналарда ишлаш учун электр-газ пайвандчи (пайвандлаш ишлари бўйича контролёр), авиация асбобларини йиғувчи слесарь, аппаратура ускуналари ремонти бўйича слесарь, электрон ҳисоблаш машиналари оператори, дурадгор.

8-синф ҳажмида маълумотлилар қабул қилинади.

ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИ, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ ИХТИСОСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртида группалар спорт йўналишида комплектланади. Қабул вақтида разрядли спортчиларга имтиёзлар берилади.

Ўқувчилар бепул овқат, спорт формаси ва кийим бош билан таъминланадилар. Қобилиятли спортчиларга кучайтирилган овқат берилади.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати 10 ой, 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун эса 3 йил.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 проценти тўланади. Ўрта маълумотлиларга эса ҳар ойда 65 сўмдан стипендия берилади.

Билим юртини муваффақиятли битирганлардан 10 проценти Тошкент политехника институти, ҳарбий ўқув юрти, Тошкент авиация техникуми, Тошкент индустриал техникумида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Бошқа битирувчилар Тошкент экскаватор заводи ва Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади-лар.

Билим юрти замонавий техника таълими воситалари билан жиҳозланган кабинетларга эга. Билим юртининг бадиий ҳаваскорлик тўгарагида, спортнинг ҳамма турлари бўйича спорт секцияларида қатнашиш мумкин.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси, 6 донадан 4х5 ёки 5х4 катталикдаги фотосурат, ўқиш жойидан характеристика.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Содиқов кўчаси, 6-уй (4, 5-троллейбусларнинг «Экскаватор заводи» бекати).

3-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1987—1988 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Бошқа шаҳарлардан келганлар секция типидаги ётоқхоналар билан таъминланади.

саноат асбоб-ускуналари бўйича слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, қўлда иш бажарувчи электр пайвандчи, фрезерчи, электромонтёр (электр монтажчи), **кенг профилдаги ишчи, ОТК контролёри, прессловчи-қолипловчи, машина-контакт пайванди бўйича электр пайвандчи, программали бошқариладиган станокларнинг операторлари.**

Ўқиш муддати — 1-3 йил.

Ўқишга 8—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йил муддат билан таълим олинадиган группаларнинг ўқувчиларига ўрта ҳунар-техника билим юртини тугатганлиги ҳақидаги диплом берилади.

Ўқиш даврида 8-синфни битириб келган ўқувчилар бепул кийим-бош ва 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

Ўрта маълумотлилар эса стипендия оладилар, бошқа баъзи мутахассисликларнинг талабалари қўшимча равишда «Ташсельмаш» заводи база корхонасининг стипендиясини ҳам оладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига мажбурий ишлаб бериш стажисиз ўқишга кириш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Билим юртида техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, фототўгарак, спорт секциялари ишлаб турибди.

Билим юрти ўқувчилари ёзда дам олишлари учун «Чорвоқ» посёлкаси районида ўз базасига эга. Ҳар куни 8.30 дан бошлаб хизмат автобуси қатнайди.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: ариза, маълумот ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, саломатлиги ҳақидаги справка, яшаш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Бизнинг адрес: 700050, Тошкент шаҳри, Гёте кўчаси, 54-уй (21, 49-«экспресс» автобусларининг «3-ҳунар-техника билим юрти», 16, 89-автобусларнинг «Касб қасалликлари институти» бекатлари).

39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1987-1988 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛИ АСБОБЛАР ВА ИНТЕГРАЛ МИКРОСХЕМАЛАРНИ ЙИҒУВЧИ, ТЕХНОЛОГИЯ УСКУНАЛАРИНИ СОЗЛОВЧИ, СЛЕСАРЬ-АСБОБСОЗ, РАДИОЭЛЕКТРОН АППАРАТУРАЛАР ВА АСБОБЛАР БЎЙИЧА МОНТАЖЧИ, АВТОМАТИКА ВА КОНТРОЛЬ-ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ.

ЎҚИШГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати 10 ой.

Ярим ўтказгичли асбоблар ва интеграл микросхемалар ишлаб чиқариши бўйича ўрта маълумотлилар группасида (фақат қизлар) **машғулотлар группалар комплектлангандан кейин бошланади.**

Ўқувчиларга ҳар ойда 77 сўмдан стипендия тўланади.

8 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йил.

Билим юртини битирганларга эгаллаган касби ҳақида ва ўрта маълумот тўғрисида диплом берилади.

Ўқувчилар ҳар куни бепул 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 проценти тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ УМУМИЙ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига кириб ўқишда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, вокал чолғу ансамбли, радио, фото ва техника ижодкорлиги тўгараклари мавжуд.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (ёки паспорт), 086/У формадаги медицина справкаси, турар-жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 ва 4х5 см катталикдаги 8 дона фотосурат.

8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ГРУППАСИДА МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН, ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ГРУППАСИДА ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Ленин районн, Весна кўчаси, 17-уй (12, 37э, 68э, 81э, 183, 456-автобусларнинг «УЗБУМ», 1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

48-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1987—1988 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ПОЙТАХТГА ЯҚИН РАЙОНЛАРИДА ЯШОВЧИ 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЁШЛАР ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: **хотин-қизлар, болалар ва эркаклар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористка.**

8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ёшлар 3 йил ўқийдилар ва улар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқишни битирганларидан сўнг ўрта маълумотга эга бўлганлиги ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

Ўрта маълумотлилар бир йил ўқийдилар ва уларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия тўланади.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан битирган ўқувчилардан 10 проценти олий ўқув юртлари ва техникумларда ўқиш учун йўлланма оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртида ўқувчилар Индира Ганди номидаги маданият Саройида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва ўзлари истаган бошқа тўгаракларда қатнашишлари мумкин. Ўқувчилар санаторий-профилакторий ҳамда корхона медицина хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, характеристика, таржимаи ҳоли.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳар, Чехов кўчаси, 5-«а» уй (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар, 1, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар, 2, 3, 25, 60э, 80э, 71-автобусларнинг «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати). Телефон 33-19-24.

Ҳам тез, ҳам аъло!





«ОЛМАЗОР» МАССИВИДА ЖОЙЛАШГАН 919-РЕМОНТ УСТАХОНАСИ ПОЙАБЗАЛЛАРНИ АНА ШУНДАЙ ТЕЗ ВА АЪЛО РЕМОНТ ҚИЛИБ БЕРАДИ.

Бу ерда пойабзалларнинг майда ва катта ремонтларини амалга ошириш мумкин.

Агар ҳоҳласангиз устаҳар пойабзалингизнинг юзи ёки таг қисмини янгилаб ҳам беришади.

Буюртмачининг сўровига кўра ремонт шошилинч амалга ошириб берилиши мумкин.

Устахона адреси: Тошкент шаҳри, «Олмазор» массиви, 15/2 уй (метронинг — «Халқлар дўстлиги» станцияси).

Справкалар учун телефонлар: 56-48-85; 56-02-89.

«ТАШГОРОБУВЬБИТРЕМОНТ».

МАКТАБ-МАГАЗИН ЎҚИШГА ЧОРЛАЙДИ

ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИНИНГ

25-МАКТАБ-МАГАЗИНИГА

16—25 ЁШЛИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Атиги 4 ойлик ўқиш даврида қизлар озиқ-овқат моллари кичик сотувчиси касбини эгаллайдилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Кирувчилар 8 ёки 10-синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий прописка бўлишлари керак.

БИТИРУВЧИЛАРГА ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИДАН ИШ БЕРИЛАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади: райпишчеторг директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, аттестат ёки маълумоти ҳақида справка, 3 дона фотосурат (3х4 см.), меҳнат дафтарчаси (агарда бор бўлса), сўнгги иш жойидан характеристика.



МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНИДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги майдони, 4-«а» ва 4-«б» уйлар. Телефон 44-28-62.

7, 11, 27, 56, 59-автобуслар ва метрода «Халқлар дўстлиги» бекатигача борилади.

ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р—10751 Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 18.30 да. қўл қўйилган (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Тиражи — 75.131. Б. 2122. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10. Индекс 64690.